

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ДИЛШОДА МУСАЕВНА**

**АКАДЕМИК Л.В. ШЧЕРБАНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА МЕТОДИК  
МЕРОСИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютар лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Юлдашева Дилшода Мусаевна**

Академик Л.В.Щербанинг лингвистик ва методик мероси ..... 3

**Юлдашева Дилшода Мусаевна**

Лингвистическое и методическое наследие академика Л.В.Щербы ..... 23

**Yuldasheva Dilshoda Musayevna**

Linguistic and methodical heritage of the academician L.V.Shcherba ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ДИЛШОДА МУСАЕВНА**

**АКАДЕМИК Л.В. ШЧЕРБАНИНГ ЛИНГВИСТИК ВА МЕТОДИК  
МЕРОСИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютар лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан № В2021.3.PhD/Fil2031 рақами остида рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.kspi.uz](http://www.kspi.uz) манзилига ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мирзаев Ибадулла Камолович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Расулова Махфуза Инамовна</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон миллий университети</b>

Диссертация ҳимояси Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “10” январь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99873) 542-38-38; факс: (99873) 542-11-43; e-mail: [kspi\\_info@edu.uz](mailto:kspi_info@edu.uz).)

Диссертация билан Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 2 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел: (99890) 508-64-42; e-mail: [kspi\\_info@edu.uz](mailto:kspi_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “05” январь куни тарқатилди.  
(2022 йил “05” январь да 2 - рақамли реестр баённомаси).



**Д.А.Набиева**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
филол.ф.д., профессор

**В.В.Каримова**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
филол. ф.б.ф.д.(PhD), доцент

**Ш.М.Искандарова**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон тилшунослиги фанининг замонавий ривожланиш босқичида лингвометодик таълимотлар тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган. Лингвистик меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш келажак авлод учун ҳар томонлама фойдали бўлиб, бу тил ўқитишнинг методик таъминотида муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир. Зеро, лингвомаданий меросни ўрганиш жараёни тил воситалари ёрдамида ёш авлодга етказиб бериш орқали амалга оширилади. Бу эса тилшунослик фани олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб, лингвистик мерос хазиналарини ёш авлодга етказишнинг муҳимлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги бир томондан тилни замонавий методлар ёрдамида тадқиқ этиш ишларига, иккинчи томондан ўтмиш салафларимиздан мерос бўлиб қолган лингводидактик методларга асосланган меросни ўрганиш юзасидан жиддий ютуқларни қўлга киритди. Шулар асосида бўлғуси тилшуносларнинг таълим ва тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш тилшунослик фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Диссертация тадқиқотининг танланган мавзуси назарий ва услубий жиҳатдан долзарблаштирилган, чунки бу масала бугунги кун воқелиги ва лингвистик усулларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Демак, «...Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси»<sup>1</sup> тилшуносликнинг барча йўналишлари бўйича тадқиқот олиб бориш ва турли амалий тажрибалар ўтказишни талаб қилади.

Таълим ва тарбиянинг сифат даражаси ва самарадорлиги кўп жиҳатдан лингвистик методга боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бутун таълим тизимини замонавий юксак талабларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.<sup>2</sup> Шу билан бирга, ёш авлодга хорижий тилларни ўргатиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни замонавий педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларини қўллаш орқали таъминлаш зарурлигини<sup>3</sup> ҳам таъкидлайди. Шунга мувофиқ академик Л.В.Шчербанинг лингвистик ва методик таълимотининг асосий тушунчаларини ўрганиш ҳар томонлама фойдали бўлиб, бу тилшунослик фанининг ривожланишига ва ёш лингвистларларни тайёрлашда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Мазкур диссертация тадқиқоти академик Л.В.Шчербанинг лингвистик ва методик меросига таянган ҳолда умумий тилшунослик, психолингвистика, лексикография, грамматика ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [www.http://prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)

<sup>2</sup>Файзиев О. Образование – это знания, обеспечивающие эволюцию человечества. 18.02.2017. [Электронный ресурс]. URL: <https://kun.uz/ru/58264229> (дата обращения: 20.11.2020).

<sup>3</sup>Буранова Д.Д. Некоторые особенности обучения иностранным языкам: опыт Узбекистана. // Молодой ученый. 2013. № 12 (59). С. 417.

фонология фанлари ривожланиши истикболларини очиб бериш ва хорижий тилларни ўқитишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-январдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли қарори ва 2019-йил 8-октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон, 2017-йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018-йил 5-июндаги ПҚ-3755-сон қарорлари билан «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларида фаол иштирокини таъминлаш» бўйича кўшимча чора-тадбирлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Ҳолбуки, ўзбек тишунослигини янада ривожлантириш мақсадида хорижий тилларда яратилган лингвистик ва методик меросни замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим бўлади. Бу эса биз тадқиқ этаётган мавзунинг ўта долзарб масалалардан бири эканлигини белгилаб беради.

**Илмий-тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республикаимизнинг «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва таълим ривожлантирилиши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши» илғор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Л.В.Щербанинг «Как надо изучать иностранные языки»<sup>1</sup>, «Русские гласные в качественном и количественном отношении»<sup>2</sup>, «Фонетика французского языка. Очерк французского произношения в сравнении с русским»<sup>3</sup>, «Русско-французский словарь для средней школы»<sup>4</sup> китоблари, журнал ва тўпламлардаги мақолалари: «Субъективный и объективный метод в фонетике»<sup>5</sup>, «О разных стилях произношения и об идеальном фонетическом составе слов»<sup>6</sup>, «Основные принципы орфографии и их социальное значение»<sup>7</sup>, «Об общеобразовательном значении иностранных языков»<sup>8</sup>, «Безграмотность и ее причины»<sup>9</sup>, «О взаимоотношениях родного и

<sup>1</sup> Щерба Л.В. Как надо изучать иностранные языки. М.: Наука, 1929. 54 с.

<sup>2</sup> Щерба Л.В. Русские гласные в качественном и количественном отношении. СПб., 1912, III–XI+1–155 с.

<sup>3</sup> Щерба Л.В. Фонетика французского языка. Очерк французского произношения в сравнении с русским: Пособие для студентов факультетов иностранных языков. Л.; М., 1937. 256 с.

<sup>4</sup> Щерба Л.В. Русско-французский словарь для средней школы / Сост. Л. В. Щерба и М. И. Матусевич. Ред. и общ.рук. Л. В. Щербы. М., 1940. 431 с.

<sup>5</sup> Щерба Л.В. Субъективный и объективный метод в фонетике // ИОРЯС. 1909. Т. XIV. Кн. 4. С. 196–204.

<sup>6</sup> Щерба Л.В. О разных стилях произношения и об идеальном фонетическом составе слов // Записки Неофилологического общества. Пг., 1915. Вып. VIII (в честь проф. Ф. А. Брауна). С. 339–347.

<sup>7</sup> Щерба Л.В. Основные принципы орфографии и их социальное значение // Первый Всесоюзный Тюркологический съезд. 26 февраля–5 марта 1926 г. (Стенографический отчет). Баку, 1926. С. 157–161.

<sup>8</sup> Щерба Л.В. Об общеобразовательном значении иностранных языков // Вопросы педагогики. 1926. Вып. I. С. 99–105.

<sup>9</sup> Щерба Л.В. Безграмотность и ее причины // Вопросы педагогики. 1927. Вып. II. С. 82–87.

иностранного языков»<sup>1</sup>, газеталардаги мақолалари: «Об языке и грамотности»<sup>2</sup>, «Об иностранных языках»<sup>3</sup>, «Мой метод занятий»<sup>4</sup>, «Об идеально грамотном человеке»<sup>5</sup> кабилардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда лингвистик ва методик мерос ўрганишга доир М.Джусупов лингводидактика ва методларнинг ўрни ва усуллари<sup>6</sup>, И.Бозоров лингводидактик, терминологик бирликлар шаклланиши ва ривожланиши<sup>7</sup>, Н.П.Бобониёзова хорижий тиллар ўқитилиши замонавий ҳолатини давлат дастурлари ва дарсликлари таҳлили<sup>8</sup>, И.А.Каримов ёш авлоднинг етук ривожланиши ва хорижий тиллар сифатли ва самарали ўқитилиши орасидаги боғлиқлик<sup>9</sup>, М.Б.Бахтиёрова хорижий тил ўқитилишининг замонавий муаммолари ва перспективалари<sup>10</sup>, Ш.А.Кенжебаева умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш тарихий аспекти<sup>11</sup>, Г.Р.Абирова мутахассисларнинг профессионал тайёргарлигида маданиятлараро компетенцияси<sup>12</sup> сингариларга доир тадқиқотлар яратишган. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикасида академик Л. В. Щербанинг лингвистик ва методик мероси бўйича махсус тадқиқот яратилмаган. Рус олимларидан Б.А. Ларин<sup>13</sup>, В.А. Пищальник ва В.В. Потапов<sup>14</sup>, Р.И. Аванесова<sup>15</sup>, Л.Р. Зиндера бундан ташқари Ю.С. Маслова<sup>16</sup>, В.В. Колесова<sup>17</sup>, Р.А. Будагова<sup>18</sup> илмий асарлари, ғарб мамлакатлари олимларидан эса М. Lähteenmäki<sup>19</sup>, О. Campbell-Thomson<sup>1</sup>, К. Williams<sup>2</sup> и А. McLachlan<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Щерба Л.В. Безграмотность и ее причины // Вопросы педагогики. 1927. Вып. II. С. 82–87.

<sup>2</sup> Щерба Л.В. Об языке и грамотности // Студенческая правда, 1927, № 6.

<sup>3</sup> Щерба Л.В. Об иностранных языках // Красная газета (Вечерн. вып.), 1927, № 332, 10 декабря.

<sup>4</sup> Щерба Л.В. Мой метод занятий // Студенческая правда, 1928, № 10, С. 4.

<sup>5</sup> Щерба Л.В. Об идеально грамотном человеке // «чительская газета, 1940, № 142, 3 ноября.

<sup>6</sup> Джусупов М. Лингводидактика и методика в полинаучной системе языкового образования // Русский язык за рубежом. 2009. 2 (213). С.26-32.

<sup>7</sup> Базаров И. Основные источники формирования и развития лингводидактических терминологических единиц в узбекском языке // Исследования языка в синхронии и диахронии. 2019. № 6 (29). С. 33-43.

<sup>8</sup> Бабаниязова Н.П. Современное состояние изучения иностранных языков в Республике Узбекистан: анализ государственных программ и учебников // Преподаватель XXI век. 2016. №1. С. 107-119.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана [Текст] / И.А. Каримов. Ташкент, 1997. 342 с.

<sup>10</sup> Бахтиёрова М.Б. Изучение иностранного языка: проблемы и перспективы // Молодой ученый. 2015. № 15 (95). С. 690-692.

<sup>11</sup> Кенжабаев Ш.А. История обучения иностранному языку в общеобразовательной школе южных областей Узбекистана (Сурхандарьинская и Кашкардарьинская области) и пути его совершенствования на современном этапе. Дисс...канд. пед. наук. Ташкет, 1998. 161 с.

<sup>12</sup> Абирова Г.Р. Межкультурная компетенция в профессиональной подготовке специалистов // Потенциал современной науки. 2016. № 7. С. 86-88.

<sup>13</sup> Ларин Б.А. История русского языка и общее языкознание. М., 1977. С. 200-208.

<sup>14</sup> Пищальникова В.А., Потапов В.В. Лев Владимирович Щерба // Отечественные лингвисты XX века: Сб. статей / Отв. ред. Ф. М. Березин. Ч. 3. М.: ИНИОН РАН, 2003. С. 123—148.

<sup>15</sup> Теория языка. Методы его исследования и преподавания: к 100-летию со дня рождения академика Л. В. Щербы / отв. ред. Р. И. Аванесов. Л.: Наука, 1981.

<sup>16</sup> Зиндер Л.Р., Маслов Ю.С. Л. В. Щерба – лингвист-теоретик и педагог / АН СССР, Науч. совет по теории сов. языкознания, Ин-т языкознания. Л.: Наука. Ленингр. отд-ние, 1982. 104 с.

<sup>17</sup> Колесов В.В. Л.В. Щерба. М.: Просвещение, 1987. 160 с.

<sup>18</sup> Будагов Р.А. Академик Л. В. Щерба // Будагов Р. А. Человек и его язык. 2-е изд. М.: Наука, 1976. 278 с.

<sup>19</sup> Lähteenmäki M. The Role of ‘Sociology’ in Lev Shcherba’s Conception of Language. Festschrift in Honour of Professor Arto Mustajoki on the Occasion of his 60th Birthday Ed. by Jouko Lindstedt et al. Helsinki 2008. 183-190

ларнинг илмий асарлари мавжуд.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликлари функционал-грамматик ва семантик-методологик таҳлили (синхрон ва диахрон аспектида)» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси билан боғлиқ.

**Тадқиқот мақсади:** академик Л.В.Шчербанинг лингвометодик таълимотлар тарихи контекстида лингвистик ва методик меъросининг хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- лингвометодик таълим ривожланиши тарихини тавсифлаш;
- тил таълими тизимида тилшунослик ва лингвометодика терминлари тушунчасининг моҳиятини очиқ бериш;
- психолингвистика, лексикография, грамматика ва фонология, умумий тилшунослик сингари фанлар ривожига Л.В.Шчербанинг қўшган ҳиссасини баҳолаш;
- Л.В.Шчерба лингвометодик таълими асосий концептларини аниқлаш;
- Л.В.Шчербанинг замонавий фан ва таълимда она тили ҳамда хорижий тилларни ўқитиш методикасига доир фикрларига мунособат билдириш;
- Л.В.Шчерба илмий асарлари асосида соф ва аралаш икки тиллиликни хорижий тиллар ўқитилишининг замонавий педагогик ёндашувлари асосида талқин этишнинг афзаллик томонларини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқот объекти:** лингвистик ва методик таълимотлар тарихи.

**Тадқиқот предмети:** академик Лев Владимирович Шчербанинг лингвистик ва методик мероси.

**Тадқиқот усуллари:** комплекс, систем таҳлил, индукция, дедукция, прогноз, қиёсий тилшунослик, дифференциал таҳлил, қиёсий-тарихий.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

- Ўзбекистон тилшунослиги ва таълимшунослигида биринчи марта академик Л.В.Шчербанинг лингвистик ва методик мероси комплекс тарзда ўрганилди;
- лингвометодика тушунчаси ва моҳиятини тушунишга оид ёндашувлар ўрганилди, улар муайян тизимга келтирилди, лингвометодик таълимотлар тараққиёти тарихий қонуниятлари ҳамда хусусиятлари аниқланди;
- чет тилларни ўқитишга ҳозирги педагогик ёндашувларни академик Л.В.Шчербанинг илмий-методик меъросини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва улардан Ўзбекистон

---

pp.

<sup>1</sup> Campbell-Thomson O. L.V. Shcherba: a 'new slant' on modern foreign languages in the school curriculum? // Curriculum Journal. August 2017. 28(3). 1-33 pp.

<sup>2</sup> Williams, K. Modern foreign languages. In J. White (Ed.), Rethinking the school curriculum: Values, aims and purposes London: Routledge, 2004. 117–127 pp.

<sup>3</sup> McLachlan A. Modern languages in the primary curriculum: Are we creating conditions for success? The Language Learning Journal, 2009. 37(2). 183–203 pp.



Республикаси таълим тизимида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- тадқиқот иши лингвистик ва методик характердаги муаммоларни ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади ҳамда ҳозирги қатор лингвистик ва методик назарияларнинг бошланғич манбаларини ёритади.

#### **Тадқиқот амалий натижалари:**

тилни ўқитишнинг методологик ёндашувлари ва лингвистик таълим тарихи таҳлил этилиб, жамият ривожда замонавий таълим методларининг ўрни инобатга олинган ҳолда уларнинг энг муҳимлари такомиллаштирилган ; рационал, коммуникатив-когнитив, контекст, комплекс, тизимли ва бошқа методик ёндашувлар тақдим этилиб, тилни ўргатиш самарадорлигини оширишда тил шахсини моделлаштиришга эришилган;

Л.В.Шчербанинг илмий асарларини тадқиқ этиш жараёнида хорижий тилларни ўрганишга қаратилган педагогик жараён босқичлари ўртасидаги доимий боғлиқлик сабаблари аниқланган;

хорижий тилларда сўзловчилар билан мунтазам мулоқот қилиш самарадорлигининг ижтимоий жиҳатлари таҳлил этилиб, уларда сўзлашишнинг онгли ҳолатдан онгсиз ҳолатга ўтилиши жараёнлари кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларини ишончилиги.** Қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотлар аниқ илмий манбалардан олинган. Бундан ташқари, лингвистик ва методик таълимотлар ва хорижий тилларни ўрганишда илмий-методик ёндашув академик Л.В.Шчербанинг илмий-методик меросига таянган ҳолда тадқиқ этилиб, республика ва хорижий илмий журналларида, мақолалар, илмий хулосалар ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқотда эришилган илмий натижалардан лингвистика ва тил ўқитиш методикасига доир изланишларда фойдаланиш мумкин. Тадқиқ этилаётган иш келгусида лингводидактикага оид тадқиқотлар учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида фонетика, орфография, стилистика, қолаверса, тил ўқитиш методикасига доир методик ҳамда илмий тадқиқотлар учун муҳим материал сифатида хизмат қилади. Ишда кўрсатилган фикр ва мулоҳоза ва амалий тавсиялардан дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнларини тайёрлашда манба бўла олади. Тадқиқотдан олинган натижалар тил ўқитиш ва амалий мақсадларда, жумладан, лингвистика, педагогика, таржима назарияси каби фанлар бўйича ўқув-услугий қўлланмалар яратилишида, комплекс тавсиялар ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин.

Ишга доир материаллардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида «Фонетика», «Тилларнинг қиёсий типологик таҳлили», «Таҳлилий ўқиш», «Тил ўқитиш методикаси» сингари фанлар ҳамда махсус курсларни мукамал ўқитишда ёрдам бериши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари қуйидаги ишларда тадқиқ этилган:

ўзлашма сўзлар қонуниятлари тадқиқоти натижалари Самарқанд давлат чет тиллар институти фундаментал тадқиқотлари лойиҳасида, 2014-2015 йй. ўтказилган Самарқанд давлат чет тиллари институти томонидан амалга оширилган «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» И-204-4-5 инновацион тадқиқот лойиҳаси доирасида (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 март кунги 597/30.02.01 маълумотномаси), тилларни ўқитиш илмий тизимида лингвистик методика моҳияти ва концепцияси очилиши, ҳамда уларни таълим жараёнига тадқиқ этиш, виртуал ресурсларнинг ўқитувчилар томонидан яратилишига методик ва лингвистик ёндашув доираларида қўлланилган. Л.В.Шчербанинг илмий-методик қўлланмалари асосида, замонавий талабларга жавоб берувчи лингвометодологиянинг кейинги ривожини услублари қўлланилиши ва кўриб чиқилиши йўналишида фойдаланилган.

Бундан ташқари, Л. В. Шчербанинг илмий-методик мероси 2016-2018 йилларга мўлжалланган Erasmus + дастури бўйича Европа Иттифоқи IMEP лойиҳасининг 561624-ERR-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE лойиҳаси доирасида қўлланилган: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 март кунги 598/30.02.01-сонли маълумотномаси). Лойиҳа асосида Ўзбекистон ОТМлари талабалари ва ўқитувчилари академик Л.В.Шчербанинг лингвистик ва методик мероси тавсифини ўрганишлари, унинг хусусиятларини кўриб чиқишлари ва таълим жараёнида янги ғояларни қўллаш, ҳамда Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация этиш ва хорижий тилларда инновацион ғояларни илгари суришни ўрганишган.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2014-2016 – йилларга мўлжалланган TEMPUS Европа иттифоқининг Project 544161 – TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL «Developing the teaching of European languages: Modernizing Language teaching through the development of blended Masters Programmes» «через развитие смешанных магистерских программ» дастури доирасида қўлланилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Онажоним шеърляти» ижодий тўғарагида ёш ижодкорларни жаҳон адабиётининг нодир асарлари билан яқиндан таништириш учун фойдаланилди (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-03/1076 сонли маълумотномаси).

Диссертация материалларининг якуний натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат», телеканали ижодкорлари Л.В.Шчербанинг лингвистик ва методик мероси мавзусида ёзган илмий иши натижаларидан фойдаланган ҳолда «Тил зийнати» ва «Тадқиқот» кўрсатувларини тайёрлаб эфирга узатилган. (Ўзбекистон миллий

телерадиокомпаниясининг 2021-йил 13-сентябрдаги 01-16/166-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида синовдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича 10 та илмий мақолалар нашр қилиниб, улардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашр этишга тавсия этилган журналларда, 2 таси Scopus базасидаги халқаро журналларда, 4 таси халқаро журналлар ва тезисларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация умумий ҳажми 123 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация **биринчи боби “Замонавий лингвистик ва илмий-методик таълимотларнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда “лингвометодика”, “лингводидактика”, масалалари ёритилиб, тил таълими полилмийлик тизимида лингвометодика тушунчаси ва аҳамиятини белгилаб, лингвистик ва методик таълимот ривожланиш тарихи тадқиқ этилган.

**“Фан ва тил таълимоти полилмийлик тизимида лингвистика ва лингвометодика тушунчаси ва аҳамияти”** деб номланган биринчи бўлимида “лингводидактика” ва “лингвометодика” терминларини аниқлаш бўйича назарий масалалар кўриб чиқилган.

Илмий адабиётларда доимий равишда “лингвометодика”, “лингводидактика” ва “методика” терминлари қўлланилади. “Лингводидактика” терминнинг илмий муомалада қўлланилиши Н.М.Шанский томонидан киритилган.<sup>1</sup>

М.Джусуповнинг <sup>2</sup> фикрича “лингвометодика” терминини “лингводидактика” ва “методика” тушунчаларини қуйидагилар асосида тенглаштириш мумкин эмас:

<sup>1</sup>Шанский Н.М. О некоторых актуальных вопросах методики русского языка как науки // Проблемы совершенствования содержания и методов обучения русскому языку в 4–8 классах. М.: Наука, 1969. С. 12; Русский язык в национальной школе. Проблемы лингводидактики / Под ред. Н.М. Шанского, Н.С. Бакеевой. М.: Слово, 1977. С. 65.

<sup>2</sup>Джусупов М. Лингвометодика в современном языковом образовании // Русский язык за рубежом. 2009. № 2. С. 28.

1) педагогикада услуб муайян фанни ўқитиш назарияси ва амалиётини камраб олувчи хусусий дидактика ҳисобланади (мазкур ҳолатда муайян тилни ўқитиш). “Лингвистик методология” термини, М.Джусупов фикрича, тилни ўқитиш амалий жиҳатини тавсифлайди. У ўз таркибига таълим мақсадлари учун тилни тасвифловчи лингводидактика объекти ва предмети бўлган тил таълими соҳасини олмайди.

2) “лингвометодика” термини “тил ўқитиш методикаси” терминига мазмунан яқин бўлиб, у таълим жараёнини, тил таълими амалий жиҳатини камраб олади.

3) кейинги даврдаги луғатлар, масалан методик терминлар луғати<sup>1</sup> ва лингводидактик энциклопедик луғатларда<sup>2</sup> “лингвометодика” терминини қайд этилмаган.

Лингводидактика ва тил ўқитиш методикаси тил таълимининг полиилмийлик тизимидаги алоҳида фанлардан биридир. Лингводидактика тил ўқитиш назарияси бўлиб, фаннинг методологик асосларини ривожлантиради, методика эса маълум бир ўрганиш шароитида танланган тилни ўқитиш жараёнини бевосита акс эттиради (хусусий методология), тилни (тилларни) муайян ўргатиш шартларидан ташқари ўқитишнинг қонуниятлари ва усулларини очиқ беради (умумий методология) ва тилнинг турли томонларини ёки нутқ фаолияти турини (махсус техника) ўргатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотларда, шунингдек, таълим муассасаларида тил ўқитиш жараёнида лингводидактика ва методика муаммолари алоҳида (мустақил) ёки комплекс ҳолда ўрганилиши мумкин. Бу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари билан белгиланади. Тил таълими тизимидаги лингводидактика ва методика муаммоларини ҳам бир – биридан алоҳида, ҳам яхлит кўриб чиқиш мумкин, чунки улар бир – бири билан чамбарчас ва ўзаро боғлиқдир. Ушбу диссертация тадқиқотида биз лингвистик методология терминидан фойдаландик, чунки, фикримизча, у тил ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатларини акс эттиради, тилшунослик таълимотлари тарихини таҳлил қилиш имконини беради ва жамият тараққиётининг замонавий воқеликларини инобатга олган ҳолда тилларни ўқитишга методик ёндашувлар, уларнинг энг муҳимларини янгилайди ва такомиллаштиради.

Бобнинг кейинги қисми **“Илмий-методик таълимотлар ривожланиши тарихи”** деб номланади. Илмий-методик таълимотлар тарихини тил таълими тизими полиилмийлик ривожланиши турли босқичларида ишлаб чиқилган она тили ва хорижий тилларни ўргатишга нисбатан олимларнинг методик ёндашувлари комплекси сифатида тавсифланади.

Хусусан, А.В.Хуторский фикрича, компетенция муайян соҳада натижавий фаолият учун зарур, ҳамда жараёнлар ва предметлар муайян

---

<sup>1</sup>Азимов Э.Г., Шукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). СПб.: Питер, 1999. С. 129.

<sup>2</sup>Шукин А.Н. Лингводидактический энциклопедический словарь: более 2000 единиц. М.: Наука, 2007. С. 89.

доирасига нисбатан шакллантириладиган шахс хусусиятлари ўзаро боғлиқ сифатларидир (билимлар, кўникмалар, фаолият усуллари ва қобилиятлар).<sup>1</sup>

Дж. Равен фикрича, компетенция аниқ бўлган предмет соҳада муайян ҳаракат амалга оширилиши учун зарур бўлган инсон имкониятидир. Компетенция ўз ичига тор мутахассислик билимлари, кўникмалари, фикрлаш усуллари, ҳамда ўз ҳаракатлари учун жавобгарликка эга бўлишликдир.<sup>2</sup>

И.А.Зимняя фикрича, компетенция психолингвистик ҳодиса бўлиб, унинг остида руҳий кўникмага эга, аммо долзарблаштирилмаган, шу билан биргаликда ўзлаштириладиган ва ўзлаштирилган ҳодисани тушуниш лозим; билимлар мазмуни тасвири, дастурлар ва уларнинг амалга оширилиши, ҳаракат усуллари ва алгоритмлари эса методика психолингвистика билан боғлиқлигига ишора қилади-ки, зеро, айнан у нутқ ҳақида фаолият сифати тушунчаларини шакллантиради. Мазкур маълумотлар методика масалаларини ечиш учун муҳим, айниқса нутқни ривожлантириш методикаси учун<sup>3</sup> муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Замонавий илмий адабиёт, тил ўқитилишида методик ёндашувлар ҳақида Е.Г.Белявская ва Т.Н.Маляр томонидан педагогик жараёнда жуда фойдали бўлган тил шахсини моделлаштириш методи таклиф этилган. Улар мавжуд дастурлар ва методик қўлланмаларни тўлиқ ўзгартирмасдан, қисман ўзгартиришлар киритилишига эътибор берган ҳолда, танланган методик ёндашувдан қатъий назар ўқитиш натижавийлигига эришишни таклиф этишади. Е.Г.Белявская ва Т.Н.Малярнинг<sup>4</sup> фикрича, ўқитувчи диққат марказида, нафақат белгилар тизими сифатида тил, балки биринчи навбатда сўзлаётган одам, тил шахси ҳамда коммуникация ҳолати туриши зарур. Фақат шу ёндашув билан талабаларни рус тилидаги матнларга хос бўлган бошқа дунёқараш тизимига боғлаш мумкин.<sup>5</sup> Замонавий лингвистика, лингводидактика ва лингвометодикада тадқиқотлар “инсон-онг-тил” учлигига таянади, чунки инсон бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи, ҳам сўзлашувчи, ҳам фойдаланувчи бўлади. Шу муносабат билан, фанда тил шахсининг лингвокогнитив, психолингвистик ва социолингвистик тоифалар бирлашмаси ва аралашмаси сифатидаги тасаввур шаклланган.

Фикримизча, ўқитиш жараёнида муайян вақт доирасида муайян объектга диққат қаратиш жараёнини кўзда тутувчи диққатни жамлашга асосланган машқлар комплексини қўллаш лозим (масалан матнларнинг асосий ғоясига асосланган). Амалиётда когнитив секинлаштириш методи ҳам

---

<sup>1</sup> Хуторской А.В., Хуторская Л.Н. Компетентность как дидактическое понятие: содержание, структура и модели конструирования, 2004. [Электронный ресурс]. URL: [http://www.khutorskoy.ru/books/2008/A.V.Khutorskoy\\_L.N.Khutorskaya\\_Comp.pdf](http://www.khutorskoy.ru/books/2008/A.V.Khutorskoy_L.N.Khutorskaya_Comp.pdf) (дата обращения: 25.02.2019).

<sup>2</sup> Садовская Е.А. Профессиональная компетентность будущих преподавателей-исследователей университета: Методические указания к практическим занятиям по дисциплине «Педагогика высшей школы». Оренбург: РИК ГОУ ОГУ, 2004. С. 16.

<sup>3</sup> Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Эксперимент и инновации в школе. 2009. №2. С. 12.

<sup>4</sup> Белявская Е.Г., Маляр Т.Н. Моделирование вторичной языковой личности. М.: ИПК МГЛУ «Рема», 2012. С. 34.

<sup>5</sup> Там же. С. 46-47.

фойдалидир (матнларда ёритилган муайян ҳолатлар ва ҳодисаларни узоқ вақт давомида онгли равишда тушуниш).

Тилни ўқитиш жараёнида қуйидагилар содир бўлади:

1) асосий ва иккиламчи ғояларни трансляция этиш учун тил воситаларини қўллашни машқ қилиш;

2) нутқ кўникмасини мустаҳкамлаш учун тил воситаларини қўллаш машқ қилинади. Тил воситалари қўлланилиш машқлари хусусиятлари кўникма ривожланиш босқичига боғлиқ.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, лингвистик ва методик таълимотлар тарихида она тили ва хорижий тилларни ўқитишнинг кўплаб методлари ишлаб чиқилиб келинмоқда. Мазкур тадқиқот доирасида биз рационал, коммуникатив-когнитив, контекст, комплекс, тизимли методик ёндашувларининг қатор устивор жиҳатларини аниқлаб, тил кўникмаларини ўзлаштириш эффективлиги сабабли, тил шахсини моделлаштирилиши заруратини асослаб бердик. Шу билан биргаликда, асосий илмий тадқиқот перспектив соҳаси коррекцион назорат ва когнитив секинлаштириш, селектив диққат методлари, мураккабликлар юзага келиши шароитларини тадқиқ этиш назарий ва эмпирик методи, таълим жараёни умумий оптимизацияси методи мураккабликларини енгиб ўтиш учун қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Демак, тилни ўқитиш тизимини мукамаллаштириш ва шакллантириш лингвистик ва методик асослари ишлаб чиқарилиши ҳам муҳимдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Академик Л.В.Шчербанинг илмий-методик концепцияси таҳлили, тил ўргатиш методикаси ва тилшунослик ривожланиши учун аҳамияти”** деб номланади. Л.В.Шчербанинг лингвистика мероси Россияда стилистиканинг ривожланиши билан боғлиқдир, зеро олим ўзининг кўплаб асарларида айнан стилистика масалаларига эътибор қаратган. Хусусан, ўзининг “Современный русский язык” мақоласида, у Ш.Баллининг фикрини давом эттириб, тўрт “сўзларнинг қавати”ни ажратади (ҳозирги вақтда “услуга” деб аталади), булар: тантанали, нейтрал, бетакаллуфона ва кўпол сўзлар. Л.В.Шчерба бу занжирни қуйидаги сўзлар билан ифодалайди: “чеҳра – юз – бет – башара”, мазкур сўзларнинг ҳар бири алоҳида равишда муайян услубга тегишли. Бундан ташқари, олим “шеърый тил” ва “драматик тил”ни алоҳида ажратиб кўрсатган. Умуман олганда, Л.В.Шчерба рус адабий тилини концентрик доиралар – асосий ва қўшимча доиралар сифатида, улар асосий доирадаги каби бир хил тушунчаларнинг белгиларига эга бўлиши керак, аммо маълум бир қўшимча тусланиши билан, шунингдек, белгилар билан, унда мавжуд бўлмаган, лекин қўшимча тусланишларга эга бўлган деган хулосага келади.<sup>2</sup> Л.В.Шчербанинг рус тили стилистикасига ҳиссаси катта, аммо унинг

<sup>1</sup> Карпова Л.И. Формирование коммуникативной компетенции обучающихся. Автореф. дис. . канд. пед. наук. Пятигорск, 2005. С. 11.

<sup>2</sup>Щерба Л.В. Современный русский литературный язык // Щерба Л. В. Избранные работы по русскому языку / Под ред. М.И. Матусевич. М.: Гос. учеб.-пед. изд-во Министерства просвещения РСФСР, 1957в. С. 121.

фонетика ва фонология ривожига кўшган хиссаси билан баҳоланмаса, у ҳақидаги ҳеч бир тадқиқот тўлиқ бўла олмайди. Л.В.Шчерба Петербург фонологик мактабига асос солган олим сифатида ўз ғояларини мақсадли ва босқичма – босқич амалиётга тадбиқ этади, шунингдек, ўз атрофига унинг ғояларини қабул қилган шахсларни йиғиб, фонологик масалаларни тадқиқ этган, шу сабабли, вақт ўтиши билан Л.В.Шчербанинг фонологик мактаби юзага келган.

Эътиборга олиш жоизки, Л.В.Шчербанинг фонологик назарияси ривожланишини бошлаб берган магистрлик диссертацияси эди.<sup>1</sup> Академик рус унли товушлари тадқиқотига катта аҳамият берганлиги боис унинг ишлари назарий фонетика билан шуғулланган кўплаб бошқа олимлар тадқиқотлари учун асос бўлган фундаментал назарий концепция бўлган. Атоқли олим ўз асарларида унли товушларнинг хусусиятлари ҳақидаги кузатувлари билан бўлишиб, уларнинг баъзилари ёрқин тавсифга эга бўлса, бошқалари аҳамиятли эмас эди. Хусусан, Л.В.Шчербанинг «а», «и», «о», «у», «э» унли товушларининг мустақил сўз сифатида намоён бўлса, “ы” товуши эса бундай хусусиятга эга бўлмаганлиги ҳақидаги кузатувлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда, “ы” товуши бундай хусусиятга ака-ука Стругацкийларнинг “вепрь Ы” персонажи пайдо бўлиши билан эга бўлди. Шунингдек, биринчи бешта унли товушлар ғарбий Европа тилларида ҳам мавжуд бўлса, “ы” товуши уларда йўқ. Л.В.Шчерба икки тилли лексикографияга кўшган ҳиссаси сифатида луғатлар тузишда ўз даври учун инкилобий ёндашувларни қўллаган, натижада рус-француз изоҳли луғати пайдо бўлиб, бу француз тилини ўрганувчилар ва таржимонлар меҳнатини анча енгиллаштирди. Унинг раҳбарлиги остида “Рус – француз луғати” тузилган.<sup>2</sup>

**“Л.В.Шчербанинг илмий-методик таълимоти асосий концепти”** деб номланган кейинги бўлимида Л.В.Шчербанинг антропологистика билан шуғулланганлиги, шаклланиш даврини бошидан кечираётган структурализмнинг ривожланиш жараёнлари хусусида фикр юритилади. Тилнинг инсон омилига таянган, инсон моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш, уни инсоннинг ўзи, имкониятлари, кўникмалари ва атрофдаги нутқларни эшитиш ва тушуниши қизиқтирган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди “Мен ўз ҳиссиётларини бошидан кечираётган, ташқи белгиларни англаётган, умуман олганда тушуниш воситасига эга ягона мавжудот сифатида инсонни тадқиқ этиш ва кузатишга чақираман. Шу билан биргаликда, мен тилни тил жараёнида кузатиш ва тадқиқ этишга чорлайман”.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Пищальникова В.А., Потапов В.В. Лев Владимирович Щерба // Отечественные лингвисты XX века / Редкол.: Ф.М. Березин и др. М.: РАН ИНИОН. Центр гуманитарных научно-информационных исследований, 2003. Ч. 3 (Т–Я). С. 123–148.

<sup>2</sup> Щерба Л.В., Матусевич М.И., Дусс М.Ф. Русско-французский словарь. М.: Гос. ин-т «Советская энциклопедия» ОГИЗ РСФСР, 1936. 788 с.

<sup>3</sup> Колесов В.В. ЛВ. Щерба : кн. для учащихся / В.В. Колесов. М.: Просвещение, 1987. С. 48.

Л.В.Шчерба фонема назарияси асосида антропологизми позициясида бўлиб, сўзларнинг товуш қобиғи фарқланиш жараёнида иштирок этиш имконияти асосида алоҳида фонетик бирликлари сифатида ажратилиш омилларини ишлаб чиқди. У турли фонемалар сўз формаларини мустақил равишда дифференциация этувчи товуш бирликлари бўлишига эътибор берган. Тилдаги бу вазифани фақат она тилида сўзлашувчилар турли хил товушлар сифатида тушунадиган ва сўзловчининг лингвистик онги билан ажратилиши мумкин бўлган фонетик бирликлар бажаради.

Л.В.Шчерба нутқ фаолияти сўзлашиш ва тушуниш жараёни билан боғлиқ деб ҳисобласа, Ф.дў Соссюр уни умуман инсон нутқи билан боғлаб, нутқни фақат инсонга хос деб ҳисоблаган.

Шчербанинг фикрича, нафақат алоҳида тил, балки нутқ фаолияти ҳам тизимдир. Шунга мувофиқ, академик илмий терминлар рўйхатига “индивидуал нутқ тизими” терминини киритиб, у нутқ тизими тил материалида “индивидуал намоён бўлиш” мазмунини билдирган.<sup>1</sup> Бошқача қилиб айтганда, “индивидуал нутқ тизими нутқ тизимининг муайян кўринишидир”.<sup>2</sup> Шу асосда, Л.В.Шчерба тилшунослик тадқиқотида, хусусан ёзувчи асарларини тадқиқ этиш жараёнида, унинг нутқ фаолиятини тадқиқ этиш имкониятига эга бўлиб, натижада ёзувчи нутқ тизимини кашф этиш билан унинг ижод моҳиятини ёритиб беради.<sup>3</sup> Тил тизимига эга бўлиш сўзловчининг нутқий фаоллигини келтириб чиқаради, бошқача қилиб айтганда, унга матнларни белгиланган қоидага мувофиқ, лекин кўп ҳолларда кутилмаган тарзда яратиш ва тушуниш имкониятини беради. Олим жараённинг мазмуний моҳиятига алоҳида аҳамият берган. Унинг фикрича, матн яратилиш жараёнида нафақат синтаксис қоидалари балки, мазмунлар умумийлигини эмас, янги мазмунларни келтириб чиқарадиган мазмунлар тартиби қоидалари муҳим.<sup>4</sup>

Л.В.Шчерба фаол ва пассив грамматикаларни чегаралаш жараёнида ҳам ўзининг антропологик қарашларини кўрсатади. Пассив грамматика, академикнинг фикрига кўра, анъанавий тилшунослик билан боғлиқ бўлиб, у лингвистик бирлик шаклидан унинг маъносигача бўлган йўл билан тавсифланади, шунинг учун шаклнинг маъноси пассив тарзда изоҳланади. Аммо олим ўз асарларида бошқа йўл ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди, яъни мазмундан шаклга нисбатан, бошқача қилиб айтганда, кўплаб ўхшаш ва тенг бирликлар орасида мазкур ҳолатга мос аниқ шаклни танлаш мумкин. Мазкур иккинчи йўлни академик фаол грамматика деб аташни таклиф қилди. Унинг фикрича, айнан фаол грамматика инсонга тил ҳамжамияти вакили сифатида ўз фикрларини тўла акс эттириш имкониятини

---

<sup>1</sup> Там же. С. 31-32.

<sup>2</sup> Там же. С. 34.

<sup>3</sup> Там же. С. 36.

<sup>4</sup> Там же. С. 24.



беради. Бунда инсон тайёр шакллардан фойдаланмасдан, мустақил равишда танлаб, ўз фикрини намоён этиш усулини яратади.<sup>1</sup>

Фаол грамматика чегараланиш концепцияси асосида Л.В.Шчерба ўзининг “идеологик” луғати ҳақидаги таълимотини яратди. Вақт ўтиши билан, “идеологик” сўзи сиёсий аҳамият касб этиб, фанда уни “идеографик” сўзига алмаштирилди. Академик Л.В.Шчербанинг фикрича, бундай луғат тузилиши жараёнида, алфавит луғатидан фарқли ўлароқ, нутқнинг инсоний табиати муайян тил ҳодисаларини расмий таснифлаш билан солиштирганда кўпроқ намоён бўлади.

Л.В.Шчерба илмий муомалага унинг тилдаги инсон омилига қизиқишини акс эттирувчи бир қатор терминларни фанга киритди: “лингвистик инстинкт”, “сўз ижоди”, “нутқ ижоди”, “сўзлашувчи онги”, “сўзлашувчи ҳиссиёти”, “норма ҳиссиёти”, “нутқ фикри”, “эгоцентрик ҳиссиётлар” шулар жумласидандир. Мазкур терминлар, антрополингвистиканинг категориал аппаратида киритилди.<sup>2</sup>

Диссертациянинг учинчи боби “**Академик Л.В.Шчербанинг илмий-методик мероси ва унинг замонавий фан ва таълимдаги долзарблиги**” деб номланади. Академик икки тиллилик ва унинг қандай бўлишини тушунтириб берди. У икки асосий ҳолат бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган: 1) у ёки бу иккитиллилик асосида турган ижтимоий гуруҳлар, ўзаро боғлиқ бўлмайди; 2) у ёки бу иккитиллилик асосида турган ижтимоий гуруҳлар, ўзаро бир бирини тўлдиради. Мазкур икки тиллилик тури Л.В.Шчерба томонидан “Востоchnолужицкое наречие” (1915) асарида ёритилган, икки тиллилик назарияси эса «Яфетическое сборнике», IV тўпламидаги “Sur le notion de melange des langues” мақоласида талқин қилинган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Л.В.Шчербанинг методик ғоялари ўз аксини хорижий тилларни ўқитиш коммуникатив методикаси шаклланиши ва ривожланишида топди. Чет тилини ўқитишнинг мулоқот методологияси ўрганишнииг коммуникатив – фаол ёндашуви доирасида энг тўлиқ ва изчил амалга оширилган фаолиятнинг психологик назарияси ва коммуникатив лингвистика ғояларига асосланади.<sup>3</sup>

Ўқитиш коммуникатив методикасининг устунликлари сирасига қуйидагилар киради:

- мулоқот кириш дарслари ва тил тарихига экскурсияларсиз, дарҳол бошланади;

- вазиятли мулоқотда тил тўсиғи тезроқ бартараф этилади, айниқса талабалар яхши мотивацияланган бўлса ва ўқитувчининг барча кўрсатмаларига амал қилинса, бу янада тезроқ амалга ошади;

<sup>1</sup> Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе. М.; Л. : Изд-во АПН РСФСР , 1947. С. 65-66; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. М.: Едиториал УРСС, 2004. С. 333-338.

<sup>2</sup> Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. М.: Едиториал УРСС, 2004. С. 57, 99, 137–138.

<sup>3</sup> Игнатов А.Л. Коммуникативно-игровая технология на занятиях английского языка. М.: Наука, 2015. С. 32.

